

Бу халкка (ўрта осиеликлар — туркистонликларга) иложи борича, мумкин қадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, токи бу халкнинг бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти, хохиши қолмасин... Амир исёнкорларидан бирортаси ҳам асир олинмасин, қулга тушганларнинг ҳаммаси, ҳаттоки ярадорлар ҳам отиб ташлансин!... Биз хон билан эмас, балки халқ билан тўқнашдик. Уни бостириш осон бўлмади, Руслар Ўрта Осиёда бундай (Қўқондагидек) узок ва қаттиқ қаршиликка дуч келмаган эдилар...

Улуг рус подшоҳи бизга қўшни давлатларда хон ва халқ ўртасида низо чиқишига йўл қўймаслигига ишончимиз қолди...

*Фон Кауфман, Туркистон генерал-губернатори.*

Гафлатда ётган халқни уйғотиш учун унинг тарихини уйғотмоқ керак.

**Августин, илоҳиётчи.**

Ҳеч бир миллат бошқа миллатларни эзишда давом этиб, ўзи озод бўлолмайди.

**К. Маркс, Ф. Энгелс.**

Туркистон мустамлакачилигининг энг ёрқин намунасидир...

Золим капиталистлар Россияда бошқа халқларга қаллодлик ролини ўйнаган эски, қонли ва ифлос ўтмишни битиришимиз лозим. Биз бу ўтмишни тилка-тилка қилиб ташлаймиз. ор монархияси миллатларнинг эркин ва тенг ҳуқуқли бўлишига йўл қўймайди ва бундан ташқари Европада ва шунингдек Осиёда ваҳшийлик, йиртқичлик ва реактсиянинг асосий таянчидир.

**В. И. Ленин.**

Чор Россияси ҳукуматини рус халқидан ажрата билмаган киши ёмон сиёсатдондир.

**А. И. Герцин, ёзувчи.**

Ўрта Осиё — рус тоғидаги энг қимматбаҳо дур.

**Вишгородский, Россия империяси молия вазири.**

Россиянинг қелажаги Ўрта Осиёдан.

**А. Горчаков, Россия ташқи ишлар вазири.**

Тарих—ҳақиқат чироғи.

**Сицрон.**

Шарқ билан алоқада Қозоғистон тасарруфи қалит ва дарвоза ҳисобланади. Шунинг учун миллионлаб пул сарфланса ҳам Қозоғистонни бўйсундириш ёки, ҳеч бўлмаса, у ерда Россия таъсирини ўтқазиш зарур.

**Петр II, Россия императори.**

Руслар бу ерларга (Орта Осиёга) бир-икки қўлга эмас, абадулабад қелган. Энди орқага қайтиш йўқ!

## **В. Перовский, Оренбург генерал-губернатори.**

Биз каерни босиб олган бўлсак, ўша ерда оркамиздан буруксиб кора тутун кўтарилар эди...

Дорга осилган одамлар типирчилаб турганларида расмларини чизганман. Бир муллаваччани минорадан улоктириб юбордим.

## **В. Верещагин, Туркистон боскинида катнашган рус рассоми ва зобити.**

Накл этишларича, подшо Петр II ўлими олдидан икки нарсани амалга ошира олмаганлиги учун армон билан кетаётганини айтган: Прут якинида 1711 йилдаги жангда Туркиядан енгилганлиги ва Бекович-Черкасскийнинг 1717 йилдаги Хивага харбий юриши тор-мор этилганлиги учун касос ололмаганлигига каттик афсус чеккан.

## **А. С. Пушкин, шоир.**

Европага биз кашшок кариндош ва кул бўлиб келдик. Европа йўлларида шапкамизни тутиб тургандан кўра, ўзимизни Шаркка урганимиз афзал...

Россия ўзи учун Осиёни очса, икки юз йиллик танбаллик ва махмаданагарчиликдан кутулади. Агар Европада бизни татар деб билган бўлсалар, Осиёда бизни европалик деб танишади. Осиёни маданийлаштиришга киришсак, охир-окибатда бу бизнинг рухимизни кўтаради ва биз ўзимизнинг ким эканлигимизни англаб оламиз...

Биз ўзимиз ўз еримизда илмлар соҳасида чаласаводмиз. Осиёга кириб борсак, биз у ерларда арбоблар саналамиз, бизда мустакил иш юритиш руҳи уйғонади, биз уддабурон халк бўлиб қоламиз. Европада дум бўлгандан кўра, Осиёга бош бўлган афзал...

## **Ф. Достоевский, ёзувчи.**

Эрталаб отам Туркистон урушидан қайтган бир юнкер билан гурунглашиб, унинг арок ичиш-ичмаслигини сўраб қолди. У «ахён-ахёнда ичиб тураман», деб жавоб берди. «Нима учун ичасан?»—деб сўради отам. «Мана, масалан, генерал Скобелев бутун аҳолини (Кўктепа калъасида) кириб ташлаш керак бўлиб қолганда аскарлар бундай қилишдан бош тортдилар, киргинни амалга ошириш учун аскарларни ичкизиб, маст қилишлари зарур бўлди», — деб жавоб қилди юнкер.

Дадам бир неча кунгача буни унутолмай, хаммага хикоя қилиб юрди.

**Татьяна Сухотина — Толстая (Л. Н. Толстойнинг кизи, «Эсдаликлар»идан).**

Ўлкани (1860-70-йилларда Ўрта Осиё ва Козогистонни) руслар эгаллагандан кейин аҳолининг аҳоли кундан-кунга ёмонлашиб ва огирлашиб борди. Аҳолидан биз кўп нарсани талаб этмокдамиз. Улардан солиқ йиғишда эса биз тобора юксакликка кўтарилмокдамиз, лекин халкка нима қилдик? Тошкентда ва турли комиссияларда айтилган сўзлардан бошқа халк хўжалиги учун биз ҳеч нарса қилмадик.

## **Ч. Раевский, чор Россияси амалдори.**

Биз энг аввало Ёйик дарёси орқасидан кўчиб келган казаклар (козоклар)ни муқимлаштиришимиз ва кора-киргизлар (киргизлар)нинг турли элатларини ўзимиз томонга огдириб, сўнгра уларда кўконликларга қарши душманлик ҳислари уйғонишини қўллаб-қувватлаб туришимиз керак.

**Г. Госфару, Сибир корпуси кумондони (1858 йил 12 октябрда император**

***Александр II га йўллаган расмий таклифларидан).***

Кўзголончилар (Дукчи Эшон бошлик 1898 йилдаги кўзголон) бизнинг уйкуда ётган 22 солдатимизни ўлдирганликлари учун бунинг хунига исёнчилардан 22000 кишига ўлим жазоси берилиб, 300 киши Сибир сурғунига ҳукм этилди. Кўзголончилар раҳбари Дукчи Эшон яшаган жой. — Мингтепа теп-текис килиниб, у ерга 200 оилали рус кишлоғи қурилди...

Ислоҳ ўз қиёфасида нуфузли бир қучдирки, у билан биз, руслар, узок даврларгача, муқаррар равишда ҳисоблашишга мажбурмиз..."

Буюк олампаох, Сиз бошқараётган ҳозирги буг ва электр асрида ҳамма миллий нифокларни текислайдиган, ўзаро низолардан қучланган умумий тинчлик гоёси ва бунга қандай қилиб бўлса ҳам интилиш чуқур мулоҳазали иш бўлур эди.

***С. М. Духовский, Туркистон генерал-губернатори (Император Николай II га юборган ахборотномасидан).***

Россия империяси Хива хонлигини босиб олиш учун Туркистон ҳарбий округига 2873000 сўм. Оренбург ҳарбий округига 200000 сўм, бошқа харажатлар учун шахсан генерал-губернатор Фон Кауфман ихтиёрига 400000 сўм пул ажратган эди.

***М. Трентев, рус ҳарбий тарихчиси.***

Шомил барча руслар ҳукмронлигига қарши қурашаётган паҳлавондир.

***Александр Дюма, ёзувчи.***

Қимқи ўзгалар юртига қилич яланғочлаб келса, билинги, ўша қилич зарбидан унинг ўзи махв этилгай.

***Александр Невский, рус сарқардаси.***

Бир минг сарт бир рус солдати этигининг пошнасига арзимаёди.

***Иванов, Фаргона генерал-губернатори.***

Генерал-губернатор Густав Госфортга Чўқан Валихоновни қирғиз (аслида қозоқ) қийимида савдо қарвони билан Қашғарга юборишга маслаҳат бердим...

Ғарбий Сибир губернатори қўмондони Густав Госфорт тажрибали ва жасур қўмондон сифатида Туркистон хонликлари билан ҳарбий тўқнашувдан сира ҳам қўрқмасди.

Аммо генерал Петербург ҳокимияти олдида ўз мансабидан ажралиб қолишидан жуда қўрқарди.

***П. П. Семенов-Тяньшанский, сайёҳ ва олим.***

Туркистон ўлкаси Россияга фойда келтириши мумкин бўлибгина қолмай, балки шундай қилишга мажбурдир. Бу фойдалар Россиянинг ўлкани истило қилиш давридаги ҳамда қурилиш ишларига кетган харажатларни қоплаши керак.

***Россия империяси ҳарбий вазирлигининг 1906 йил март ойида граф Вите жаноблари номига йўллаган мактубидан.***

Бухоро, Хива, Қарши бозорларига назар ташлаб, рус савдоси қучли ривож топаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин ва шуни муҳолагасиз айтиш мумкинки, бутун Ўрта Осиёда

муайян бир рус буюми учрамайдиган бирорта хонадон, бирорта дўкон йўк.

**Х. Вамбери, машхур сайёҳ ва тарихчи.**

Осиёликлар Россияга олиб келаётган турли навли тўкима матоларни иккала хориждаги оддий халойик жуда хуш кўриб ишлатарди, чунки улар кийишга юмшок ва чидамли, шунинг учун давлатдаги армия учун жуда кўп холларда зарур бўлган каноп мато ўрнини босарди.

Кўконда ва бутун Кўкон давлатида пахта экини ва ипак курти бокиш учун тут дарахти тўлиб ётибди: хаммаёкда пахта экилган далалар кўзга ташланади, ундан кўконликлар мато тайёрлаб, бухороликлар билан рустоварларига — темир, кундуз, сандал, тўтиё, канцеляр уруги, денгиз мушуги, пўлат, мовут ва хоказоларга айирбошлайдилар.

**Филиппин Назаров** («Записки о некоторых народах и землях Средней части Азии» китобидан).

Рус кўшини 8000 кишидан иборат бўлиб, 70 дан ортик замбаракка эга эди. Йигирма кунлик камалдан кейин 1881 йилнинг 12 (24) январиди Кўктепа калъаси хужум билан ишгол этилди. Сўнг талон-торож килиш учун аскарлар ихтиёрига тўрт кун ташлаб кўйилди. Калъани камал килиш ва забт этиш чоғида 600—800 киши халок бўлди. Ўрта Осиёдаги бошқа жангларга киёсласак, руслар катта курбонлар эвазига галаба козонганини кўрамыз, ўлган ва ярадорларни бирга хисоблаганда, улар 1000 дан ортик одамни йўкотди.

**В. В. Бартолд, шаркшунос олим.**

Кўктепа жангида жон бераётган бир мулланинг: «8000 бегунох одамни ўлдирганинг учун виждон азобига колмайсанми?» — деб берган саволига генерал Скобелев юзсизлик билан: «Йўк! Талофат 80000 га етмаганига ачинаман!»—деб виждонсизларча жавоб берган.

Миллатни йўк килиш учун уни кириш шарт эмас, унинг маданиятни, санъатини, тилини йўк килсанг бас, тез орада ўзи адойи тамом бўлади...

Тўкилган хар томчи рус кони учун душман (ўрта осийликлар) конини дарёдек окизаман.. Дунё славянларники, славянлар эса Россияники...

Очиги мен урушни яхши кўраман. Хар бир миллат ўз худудини табиий чегараларгача кенгайтириш ҳукукига эга ва бу конунийдир.

Биз, славянлар, албатта Босфор ва Дарданеллни эгаллашимиз зарур, акс холда хар қандай тарихий ахамиятимизни йўкотаимиз. Агар кўлимиз бу бўғозларгача етмаса, ерларимиз канчалик чексизлигига карамай, биз халок бўламиз.

Мен шуни кўриб, хис килиб турибман ва башорат килиб айтаманки, славянлар бир куни Германияни ейди. Немисларга асло тоқат кила олмайман...

**М. Д. Скобелев, Фаргона генерал-губернатори.**

Тарихий обидалар, осори-атикалар канчалик тез вайрон бўлса, Россия давлатчилиги учун шунча яхши.

**А. В. Самсонов, Туркистон генерал-губернатори.**

Умуман Бухоронинг давлат хўжалити талончилик билан иш юритмокда ва бунинг оқибатлари халокатдидир. Афсуски, бизнинг ҳукуматимиз бу ҳолатга кераклича

эътибор бермаяпти. Охир-окибатда (сўнг эътибор берилганда) кеч бўлади ва hozirги бой давлат ўрнига рус давлати гарданига огир, янги юк бўлувчи кашшок давлатга эга бўламиз. Бухорога диккатни жалб этишнинг мавриди аллақачон келди.

**Д. Н. Логофет, рус тарихчиси ва амалдори.**

Россиядаги мусулмон халқларга бирорта ҳадо ижтимоий-сиёсий ҳуқуқ берилмаслиги керак.

**П. Илинский, Россия маорифи намояндаси**

Мен сизга уч марта (1870 йил январда) хат ёзиб, бирортасига жавоб олмадим. Бунинг устнга менинг сўнгги элчимни ҳам ушлаб қолгансиз. Бундай ҳаракатларга ортиқча чидаб бўлмайди. Иккитадан биттаси — ё айтганларимга қўнасиз-у, дўст бўламиз ёки айтганларимга қўшилмайсиз-у, душман бўлиб қоламиз...

**Фон Кауфман (Хива хонига ёзган хатидан).**

Жаноби император хазрати олийлари, Сизни янги шодиёна билан қутлаётганимдан бахтлиман: Ўрта Осиёнинг машҳур ва қўхна шаҳри, мусулмончилиқ маркази, тарихий шўхрати билан донг таратган Самарқандни бирорта ҳам ўқ отмай топширдилар. Сизнинг баҳодир ва содиқ қўшинларингизга дарвозаларни очиб, жаноби олийларининг оёғига йиқилдилар...

**Фон Кауфман (1868 йил 2 майда император Александр II га йўллаган мактубидан).**

Приставларнинг ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, улар, ҳатто масжидларга қўнғирок осиш ҳаракатида бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва ҳуқмдорликларини қўрсатмоқ учун намоз вақтида масжидга итлар билан кириб келдилар...

Туркистонда ишлатилмоқда бўлган ерларнинг 55 фоизи рус келгиндиларининг қўлига ўтди. Шундай қилиб, чор ҳукумати Туркистонда ерли халқларни эзишдан бошқа ҳеч бир иш қўрсатмади. Ўзининг кетинда (орқада) қолганлиги ва фойдалана олмаганлиги сабабли, чор ҳукуматининг энг бой бўлган тоғ маъданларини ишлатишга ҳеч қимга ихтиёр бўлмади...

**Турор Рискулов, давлат, жамоат арбоби.**

Россияда қонун йўқ. Унда бир устун бор, ҳолос. Устунга эса тож қийғизиб қўйилган.

**А. С. Пушкин, шоир.**

Босқинчилик қахрамонлик бўлолмайди.

**Чингиз Айтматов, ёзувчи.**

Тарихий ҳақиқат жохилни қанчалик таҳқирласа, тарихий ёлгон ҳам фозилни шунчалик таҳқирлайди.

**Ўлжас Сулаймонов, шоир.**

Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз қесилди, оёғимиз қопланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурилди, қомусимиз қасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёғлар остига олинди — тўзимли турдик, сабр этдик. Қўча таянган ҳар буйруққа бўйсундик, бутун қорлигимизни

кўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яшинтирдик, иймонларимизга ўраб сакладик...

Золимлар сени кимсасизми кўрдилар. Йўк, сен кимсасиз эмассан. Мана мен бутун борлигим билан сенга кўмак килувчи ҳозир манамен, чин кўнгил билан сенинг йўлингдан ўлурга рози... устимга инсонлар эмас, шайтонлар кўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаханнам инсонлари сорилса, яна сен сари чопарман. Дунёнинг бутун балолари бошимга тўкилса, зулм чўпининг темир тиканлари кўзларимга кирса, яна сени кутқарарман...

Россия давлати бизнинг ўлкаларимизни келиб босди. Ортик биз Туркистон турклари Оврупо маданиятини ташигувчи бўлган рус миллатига йўликан бўлдик. Маданий руслар билан котишиб уларнинг далолати билан Оврупонинг маданий ва ижтимоий усулларида таъсир олмоғимиз керак эди. Шунинг ҳам айтиб ўтайликки, бундай бир таъсирни рус миллатининг авом табакасида олмоғимиз мумкин эмас эди. Чунки бизнинг авомимиз улардан юз маротаба маданийроқ эди...

Бизнинг диний за миллий ҳиссиётларимизни ўлдирмок тилаги билан Остроумов каби мутаассиб пўпларнинг идорасинда газета чиқарилди, мактаб очилди, лекин ўз миллатимиз ва диёнатимизни англамок учун ўз тарафимиздан очилган мактаблар ва газеталар боғланди, шаръий маҳкамаларимизнинг ҳуқуқ ва салоҳиятларидан буюк бир қисми гасб этилди. Маҳкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорат ишларида, хатто вагон арабаларинда Туркистон мусофири бўлган рус ва арманидан тубанда тутилди...

Эй улуг Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Холинг қалайдир! Нечук кунларга қолдинг? Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг оилаларининг шонли болалари! Қани учикдигинг юксак ўринларинг? Қуллик чуқурларига недан тушдинг!...

**Абдурауф Фитрат, адиб, олим.**

Қимқи ерли халққа ва унинг тилига юқоридан назар қилса, қимқи мустанлақчилик феълларини изҳор этса, ундай қишини ҳуқумат маҳкамаларидан раҳмсизларча ҳайдаш керак.

**Л. Троцкий, партия, давлат арбоби.**

Туркистон мустанлақа сифатида инглиз ва франтсуз-мустанлақаларига ўхшаш тузумда идора этилади.

**«Туркестанский курер» газетаси, 1917 йил 15 апрел.**

Россияда ҳеч қандай турк-татар халқи йўқ, унда-бунда тўп-тўп қабилалар учраб қолади, уларни ҳеч бир миллатга мансуб деб бўлмади.

**Н. Илминский, рус миссионери.**

Султон Содик (чор Россияси босқинчиларига қарши қурашган жасур Қенесариннинг ўғли), жасурликда Алимқул (Қўқон хонлигининг сарқардаси)дан қолишмас экан. Султон Содик - даштнинг сўнги арслони.

**М. Черняев, генерал.**

1868 йилнинг ёзида генерал К. П. Кауфман буйруғи билан Самарқанд шаҳри тўпга тутилди. Зобитлар қуршовида зафар ўриндигига ястаниб олган олийжаноб Константин Петрович (Кауфман) тўхтовсиз папирос тутатар ва бутунлай шафқатсиз оҳанда:

«Отиб ташлансин! Отиб ташлансин! Отиб ташлансин!», деган гапини такрорларди, холос.  
**В. Верещагин, рассом.**

Туркистон галласи Россия галласига, пахтаси эса Америка пахтасига кушандадир.  
Туркистон аҳолисининг аҳоли нима кечса кечсин-у, лекин Россия манфаатлари тўла саклансин.

**А. Кривошеин, чор Россияси дехкончилик вазири.**

Мамлакатда яшовчи барча халклар подшо хазратларининг фарзандларидир. Аммо бу кўп сонли онлада руслар бошқаларга нисбатан катта ога бўлишлари лозим...

Кўктепа калъаси ичига караш дахшатли эди. Бехисоб ўликлар бир неча кундан бери уйилиб ётарди. Баъзи кулбалар мурдага тўлиб кетган эди...

Биз 50 йил мобайнида тубжой аҳолини тараккиётдан жиловлаб, мактаблар ва рус ҳаётидан четда тутиб келдик...

Россия қарамогида собик Оўрта Осиё хонликларидаги ерли халклар қирк-еллик йил мобайнида рус найзалари химоясида тинч ҳаёт кечирдилар, ривожландилар ва бойидилар. Ватан учун оғир дамларда талаб этилаётган пайтда улар Россияга мардикорлар етказиб бердилар.

**А. Н. Куропаткин, Туркистон харбий генерал-губернатори.**

М. Черняев ашаддий шовинист эди. Унинг назарида, Кўкон хонлигида яшаган ўзбеклар, қирғизлар, қипчоқлар ва бошқа халклар фақат тўн (чопон) қийганликлари учунгина қириб ташлашга лойиқдирлар.

**З. А. Кастелская, рус харбий тарихчиси.**

Россияни мен бошқараётганим йўқ, 35000 амалдор бошқармокда.

**Николай II, Русия подшоши.**

Биз Туркистонга маданият олиб келдик, деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осийликларга тинчлик ва осойишталик бердик, деб ўзимизни овутамиз. Аммо буларда (туркистонликларда) ҳам бир олий туйғу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир. Мусулмонлар аҳолини тушунишимиз керак. Сийсий ўлим (миллий давлатчиликнинг йўқотилиши) оғир, миллий ўлим эса ундан ҳам оғирроқдир. Бизнинг ҳукмронлигимизда улар худди шундай аҳволга тушдилар. Бас, шундай экан, ҳукмронлигимизга қарши галаёнлар рўй берса, ажабланишга ўрин йўқ. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халқ оч ёки тўқлигидан қатъи назар, бир кунмас бир кун ўзини намоён этажак.

**Н. Н. Веселовский, тарихчи.**

Генерал Черняев Тошкент тарафдан хужумга ўтиб, кўп қон тўкишлардан сўнг Бухоро кўрғонлари — Жиззах, Самарканд, Каттакўрғонни бирин-кетин эгаллай бошлади. Шундай қилиб, бутун Зарафшон водийсининг юқори қисми Россия томонидан босиб олинди, эгалланди.

**Д. А. Логофет, тарихчи ва амалдор.**

1916 йили Самаркандда халқнинг зулмга қарши норозилик ҳаракати қўтарила борди,

гох у ер, гоҳ бу ерда ур-йикитлар, ўлдиришлар содир бўлиб турарди, маҳаллий хукмдорларнинг тушунтиришлари ва огохлантиришлари халкка таъсир килмади, маъмурларнинг сўзларига халкнинг мутлако ишончи қолмади, ниҳоят, бу ҳақиқат Россия ҳукуматига қарши очикдан-очик кўзғолон тусини олди.

**Н. Ликошин, Самарканд вилояти харбий губернатори.**

1916 йилги Жиззах кўзғолонида қатнашган «жиноятчилар»ни қидириб топгандан кўра, уларнинг уйларига ёппасига ўт қўймоқ маъкул.

**Н. М. Росс, уезд хокими.**

Агар рус ҳукумати ўз даврида илм-фаннинг қанчадан-қанча яловбардорларини етказган шонли араб мадрасаларини мусулмон фуқаролари учун рус замонида қайта тиклаганларида эди, Ватан ва инсоният олдида буюқ хизмат қилган бўларди... Биз — туркий халқлар қадим-қадимдан Мармар денгизидан Хитой деворигача ёйилган йирик бир тарихий этнографик бирлик ўлароқ яшаб келдик, ҳудди шундай яшамоғимиз керакдир...

Руслаштириш авжида, Идил-Волга бўйидаги татарлар орасидан бирор мансабдор у ёқда турсин, масжидга имом ҳам миссионер Н. Илминский руҳсатисиз тайинланмайди. Туркистонда Остроумов тўра, Кавказнинг ҳам ўз тўралари (руслар)дан бошқасини миллат деб ҳисобламайдилар...

**Исмоилбек Гаспирали, буюқ маърифатпарвар адиб.**

Чор Россиясини йўқотиш ҳадидлар тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат, яширин эмасди.

**Мунаввар Кори Абдурашидов.**

Харҳолда бу мустамлакачилар мустамлакачилик ҳаром мамлакатда тезроқ йўқ қилинишга тегиш!

**Чулпон, шоир.**

Россия шиддат билан ўсмоқда. Буюқ Петр замонида унинг аҳолиси 15 миллион эди. Катерина тахтга чиққан йили 25 миллион бўлди. Александр II ўлган йили 58 миллионга чиқди. Ҳозир (1871 й.) эса 77 миллион бўлибди. Нуфуснинг бундай шиддат билан кўпайиши руслардаги кўп тугилиш қобилиятидан эмас, аксинча, ишғол этган ўлкаларидаги аҳолини тезкорликда руслаштира олишлари билан изоҳланади. Бундан ўттиз (1851) йил бурунги Бутлинг Катрин ва Регулининг илмий экспедитсиялари натижалари шуни кўрсатдики, Лена хавзасида ёкутлар, Ғарбий Уралда вогул (манси қабиласининг эски номи) ва вотяқлар (ҳозирги удмуртлар) сон жиҳатидан ҳозиргидан беш мартаба кўп эдилар, қиска бир вақт ичида руслаштирилдилар. Руслар ишғол қилган турк қавмларининг бошига ҳам ёкут ва вогулларнинг қуни тушади.

**Херман Вамбери.**

Скобелев Ионовни зугумга олгач, у қўл остидаги солдатларни хужумга бошлаб, эмизикли болаларни ҳам чопиб ташлади.

**В. Наливкин, рус зобити.**

Тошкент шаҳар фукарolari ва кариyлари ибодату намоздан кўра (мудофаачиларига) кўлндан келганча ёрдам бериш афзалрок ва савоб, деб аскарларга, гозийларга сув, озик-овкат ташиб турдилар...

Кўкон хони лашкарбошисн Алимкул Тошкент ахли фукарolarининг кўрсатган гайрат-шижоат ва кахрамонликларини ва хурсандчилигини изхор килиб, бир томчи кон колгунча душманга карши курашишга даъват этди.

**Мухаммад Солих Тошкандий, тарихчи.**

Хонлик халки урушни давом эттиришни талаб этаётган бир пайтда кофирларга тоvon—контрибутсия тўлашдан кўра бир томчи кон колгунча курашиш афзалрокдир.

**Усмонбек, Кўкон хони лашкарбошиси.**

Дариго, ушбу Чимкентни руслар хўп хароб килди,

Ёмону яхшини кўймай кириб, сўйиб адо килди.

Мусулмонлар кучи етмай, ўрусларга сўзи ўтмай,

Ўруслар ўнг-сўл кириб, охири замон килди.

**Хусайн Шайх Камина, шоир.**

Колония (мустамлака) коидаси бирла бизни идора этурларки, бунга ўз ихтилофимиз сабаб бўлур. Бошка халklar хар дакика тараккий этмокдадур. Такрор арз килурмизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламок керак. Вале бизга на хуррият колур, на-да мухторият берилур...

Халкимизнинг хозирги ихтилофи мени дилхун этур, маъюс этур.

**Махмудхужа Бехбудий, адиб.**

Россия томонидан Туркистоннинг забт этилганлиги бу ахволга тузукрок ўзгариш киритмади. Чор Россияси хозирги Туркистонни забт этиб, Бухоро ва Хива хонликларики ўзига мустамлака килиб олди.

**Файзулла Хўжаев, давлат ва жамоат арбоби.**

Русларнинг Ўрта Осиёдаги хужумкор харакати харитасига карасангиз, бу мамлакатнинг камал килинмокчи бўлган калъага карши унинг атрофига кўшни тўплашдан иборат харбий оператсияга ўхшаганлигига хайратда коласиз. Бундай кўшин тўплаш бундан йигирма йил мукаддам (1848 йилда) Каспий денгизидан Оренбург ва Сибир даштлари оркали Иртишга томон ташкил килинган эди. Бу кузатиш линияси эди.

Иккинчиси-намойиш линияси. Иккинчи намойиш линияси Каспий денгизидан бошланиб, Красноводск оркали Оксусга, Хиванинг жанубига ва Оксус окими бўйлаб Помир ясси тоғларига кадар боради. Нихоят, учинчи линия Астеро шахридан бошланиб Эрон чегарасигача, ундан Хиротга ва бу ердан Оксусгача чўзилади. Эхтимол, Кандахор оркали ўтиб Кобул (Афғонистон) томон боради.. Ана шунда Марвнинг ишгол килиниши мукаррар бўлиб колади. Бу оператсия туфайли Россия Хиндистон калитини кўлга олади.

**Генри Роулисон, машхур англиз жугрофи, сайёҳи** (1968 йил июлда Англия ҳукуматига йўллаган мактубидан).

Туркистон халklarида рус хокимиятига карши кўзголон кўтариш бефойда ва халокатли

деган тушунча чуқур илдиз отган.

**Гирс, чор хукуматининг махфий маслахатчиси** (Туркистоннинг 1880—1884 йиллардаги ҳаёти тўғрисида берган маълумотномасидан).

Бу вахшиёна юриш (1873 йили генерал Веревкиннинг Хива хонлигидаги Кўнгирот, Хўжайли, Мангит, Гурлан ерларини вайрон қилиши) оқибатида на инсонлар ва на уй ҳайвонлари қолди...

Козок (казак) отликлари кўзга кўринганни отиб, қариялар, боболарни, аёлу атволни қилич билан қопиб (генерал Фон Кауфман, Головачевларнинг 1873 йилда Хивани қиргин қилиши), сўт эмадургон ўғлонларни найза билан санчиб ўтга отар эдилар. Ондан ўтиб, яна бир ёвмут жамоаларини қатл этдилар. Йигирмадан ортиқ хотунлар ўғлонларини қучоқларига олиб қўлга қириб, сўз ичида, экинларнинг ораларида пинхон бўлиб туриб эдилар. Русия аскарлари аларни қўриб қилтиқ ўқи билан отиб қатл этдилар...

1881 йил 1-12 январда генерал М. Д. Скобелев Туркманларнинг Кўктепа қалъасида қиргин уруши олиб борди. 12 январ куни сўнгги мудофиаатчилар тигдан ўтқазилди. Ярадорлар ҳам найзага қортилди. Қиргин охирида фақат 5 минг хотин-қиз омон қолдирилиб, улар қолиб аскарлар ихтиёрига берилди. Номуси оёқ ости қилинган бу аёллар Эрон феодалларига сотиб юборилди. Кўктепадаги қиргинбарот урушини рус генераллари мактаниб, «Иккинчи Бородино» жанги деб атайдилар.

**Мухаммад Юсуф Баёний, тарихчи, шоир.**

Илғари Туркистонда, эски одатга кўра, аскарликка рағбат ва ҳавас бўлар эди. Ҳозир аскарликдан озод этилганликлари сабабли туркистонликларнинг шижоатлари аста-секин сўниб, бўшашиб кетди... Россия Осиёда ҳоят узокни кўзловчи сиёсат кетидан қувувчи ва бу кенг қамровли ҳаракатларда ҳеч қандай чек-чегараси бўлмаган, ҳирс ва иштаҳаси қун сайин ошиб боровчи империалистик давлатдир. Рус миллати ҳам буюқ давлатчиликка ниҳоятда боғланган, ҳусусий мулкка қараб қолмай, ҳукумат кўрсатган ҳар қандай жойга, ҳар қандай ўлкага қориб жойлашишга жомадони тайёр, ҳаракатчан, қайрат қилади. Рус миллати бу ҳаракатчанлик ва қайратни алоҳида бир ўддабурунлик деб қилади.

**Аҳмад Закий Валидий, йирик давлат арбоби, олим, Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати раҳбарлари ва ташкилотчиларидан.**

Қўп жихатдан айб (Тошкентда 1892 йилнинг баҳорида вабога қарши қўтарилган халқ кўзғолони учун) ўзимизда, албатта, уларнинг («сарт»ларнинг) феъл-атворини, қонун-қоидаларини ўрганганимиз йўқ ва ҳали ҳам ўрганмаяпмиз. Бунда айб фақат вабонинг ўзидагина эмас, бу қабр қосаси тўлган халқнинг қазабини тошириб юборган сўнгги қомчидир. Халқ қорозилиги аллақачондан қери қучайиб, йигилиб қелмоқда эди. Кейин эса бошқа қорозилиқлар қўшилиши билан бирданига кўзғолон бошланиб кетди.

**Н. П. Остроумов, чор Россиясининг миссионер амалдори** (1892 йил 29 июнда амалдор дўстларига юборган мактубидан).

Туркистон генерал-губернатори А. В. Сомсонов Россия императорига Туркистон муқолмонларининг онқи ўсиб, ўлкада инқилобий қўнтариш қасашга бўлган ҳаракати ҳақида шуларни қабр қилади: муқамлақа маъмурияти идоралари Фаргона қилоятида

«идора тартибларига ва жамоат осойишталигига карши кураш» сифатида 1911 йилда 833 та, 1913 йилда 220 та «жиноий иш» кайд этилган. Сирдарё вилоятида эса шундай «айблар» билан 1911 йилда 3487 киши, 1913 йилда 5394 киши жавобгарликка тортилган.

**Х. Бобобеков, тарих фанлари доктори.**

«Туркистон— руслар учун» шиори остидаги ислохотни амалга оширишга гайрат билан киришилди. Империяга кўшиб олинган бу худуд империя билан чамбарчас боғланган мустамлака сифатида қаралиши лозим.

Бу жой (Марказий Осиё ўлкалари) Оврупо Россияси мануфактура саноати эҳтиёж сезаётган маҳсулотларни етиштиришга қодирдир.

Қисман кўчманчи қорвадор ва қисман ўтрок, асосан дехкон аҳоли яшайдиган бу мустамлакада мануфактура саноати жуда заиф ривожланган, шунинг учун ҳам у табиий равишда Оврупо Россияси мануфактура маҳсулотлари қарсон сотиладиган бозорга айланади.

**М. Бродовский, Россия империясининг маҳаллий савдогар амалдори.**

Туркистон ўлкаси учун қўйилган «миссионер», шовинист Остроумовнинг таклифига кўра, Туркистон мусулмонларига жума намозларида (хутбаларида) оқ қошшо номини қўшиб ўқишга қўрсатма берилди. Мустамлака мусулмонлар тақдирлари, рус амалдорларига таъзим бажо келтиришга мажбур эдилар, масжидларда ит етаклаб юриш одатини мустамлакачилар тарқ этмадилар.

**Мустафо Чукаев, Қўкон мухториятининг раиси.**

Худонинг иродаси билан мана 12 йилдирки, ярамас руслар мусулмон шаҳарларини эгаллаб олди. Тошкент, Ўратепа, Самарқандда динимиз шуъласини ўчириб, эътиқодимизга путур етказдилар. Шу сабабли ҳам биз, барча мусулмон халқлари, ўз хонимиз (Худоёрхон)дан муқаддас уруш бошлашни сўраймиз, Лекин у (Худоёрхон) ҳақ йўл қолиб, ноҳақ йўлдан кетмоқда. Хон руслар билан тил бириктирган қўринади, Қўплаб совғалар жўнатган ва рус подшосидан «муқаддас хон» деган ёрлик ҳам олган. Шу сабабли бизнинг илтимос ва маслаҳатларимизга қулоқ солмаяпти. У ўз юзини мусулмонлардан тесқари ўғирди ва биздан йироқлашди. Шундан сўнг биз барча рухонийлар йигилишиб. ноқонуний ишларининг барчасини бирлаштириб йўқ қилишга қилишдик... Абдурахмон офтобачи рус босқинчиларига қарши 1898 йил 17-18 май кунларида Андижонда бўлган халқ қўзғолонида бошчилик қилган мингтепалик (хазирги Марҳамат тумани) Эшон (Дукчи Эшон) Муҳаммадали Халиф истибдодга қарши халқ қўзғолонини шундай ифодалайди:

- 1). Руслар ўлкани (Ўрта Осиё за Қозогистонни) босиб олғач, уларнинг маҳаллий халқ мулкига қўз олайтириши қучайди.
- 2). Шариат қўрсатмаларидан йироқлашилди.
- 3). Рус ҳокимлари дастлаб халқ билан юмшоқ муомалада бўлган бўлсалар-да, ибодатни тақиклаб қўйди.
- 4). Зақот бекор қилинди.
- 5). Халқ вақф қонунларидан маҳрум этилди.

**Муҳаммадали (Дукчи Эшон) халифа ёдномасидан.**

Олмониянинг «Бишоф» фирмаси 1903 йилда Туркистондан пахта сотиб олиш учун Туркистон ўлкасидаги Давлат мулклари ва ер бошкармаси хузуридаги кишлок хўжалиги солиқ ишлари амалдори — чиновник Понятовскийга мурожаат этди. Оўрта Осиё пахтасига «хўжайин» хисобланган рус агрономи Понятовский олмонларга шундай жавоб кайтарган: «Бизнинг толамизни Олмонияга сотиш максадга мувофик эмас. Бунинг сабаблари: биринчидан, бизнинг толамиз хали ўз фабрикамизга ҳам етишмайди, иккинчидан, бизнинг пахтачилигимиз катта йўқотишлар эвазига қўлга киритилди. Энди у аввало рус саноатини бойитиши керак, хорижни эмас. Учинчидан, анни пайтда Россия ўз толасига хом ашё сифатида жуда катта эҳтиёж сезмокда.

**«Дело управления земледелия и государственных имуществ в Туркестанском крае» (1903 й.) тўпламидан.**

Бўлгуси кўчманчи посёлкалар (Россиядан Оўрта Осиёга кўчирилган рус посёлкалари) кашшок эмас, балки бой ва фаровон бўлмоғи керак.

**Кривошеин, ер ишлари ва ер қурилиши бош бошкармаси бошлиғи.**

1906 йилда ўлканинг (Оўрта Осиёнинг) беш вилоятида мавжуд 136 посёлка 451 минг таноб ерга эга бўлди.

Хар бир хўжалик томоркаси 34,4 танобдан эди.

**«Дело Кантселярии Туркестанского генерал-губернатора» (1907 й., 52-сон) тўпламидан.**

Оўзи томонидан тобе килинган сарт (ўзбек)нинг хўжалигида батрак бўлиб ишлаши рус кишиси шаънига ярашмайди. Бу айти пайтда ўлкадаги тубжой аҳолида русларга нисбатан бошқача муносабат шаклланишига олиб келади. Русларнинг сартлар қўлида ишлаши қанда даражасига қўтарнлишига давлат йўл қўймаслиғи керак.

**«Вопроси колонизации» журнали, 1913, 13-сон.**

Сарт ўз ерида, ўз оиласи билан ишлаганида сўзсиз меҳнаткаш бўлади, виждонан ишлайди. Бу ҳолат сарт рус қўлида ишлаётганида бошқача намоён бўлади. Чунки у бу пайтда ўзининг виждонан ишлаши кераклигини ҳис қилмайди. Мен Н. Н. Андреев хутори (кишлоғи)да буни ўз кўзим билан кўрдим. Сарт бу ерда қузатувчи турганлиғига қарамай, макр-хийла йўлига ўтиб олдй... У жуда секин кимирлар ва бунга эса жазирама иссиқни баҳона қилиб қўрсатарди. Ҳақиқатда европаликлар (руслар) бу қадар иссиққа дош беролмасдилар.

Н.Н.Александров,

**Фарғонадаги Андреев хуторининг хўжайини.**

Туркистоннинг ортиқча ҳар бир пуд галласи — бу рус ва Сибир галласининг рақибидир. Туркистоннинг ортиқча ҳар бир пуд пахтаси — бу Америка пахтасининг рақибидир. Шунинг учун гарчи қиммат бўлса-да, яхшиси, ўлкага галла қелтириш керак.

Ўзлаштирилган янги ерларга эса пахта экиш лозим.

**«Вопроси колонизации» журнали, 1913, 12-сон.**

**Мажид Хасанийнинг “Юрт бўйнидаги килич ёки истило” (Тошкент. «Адолат». 1997)**

китобидан олинди.